

# ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИНИ ЎҚИТИШ ВА ЎРГАНИШ БЎЙИЧА МАТЕРИАЛЛАР

---



“ФАН”

Сўз боши	4
А.Асқаров. Ҳаёти илм-фан ва маърифий олим учун ибратли шогирдпарвар олим	5
Э.Қосимов. Жамоалаштиришга янгича қарашлар ва янгича талқин	14
И.Мухаммадиева. тарихий манбаларда "Зарафшон" топонимикаси	17
Ш.С.Зиямов. Межэтнические конфликты в новейшей истории стран Центральной Азии	20
Н.Расулова. Сийёсий партияларнинг халқ ҳокимиятчилигини қарор топтиришдаги роли.	23
Р.Муллажонова. Тарих ўқитишда археологик манбалардан фойдаланиш (Марказий Фарғона материаллари мисолида)	27
Ф.Рустамова. Инсон эволюциясини ҳаракатлантирувчи омиллар ва уларнинг ўзига хослиги	32
Ш.Искандаров. Академик Карим Шониёзовнинг ҳаёти ва илмий фаолияти	38
Қ.Собиров. Қадимги Хоразмда урбанизация жараёни ривожланиш босқичлари	41
К.С.Тўраев. Мустақиллик йилларида диний ташкилотларга бўлган муносабатнинг ўзгариши	43
Ф.Исматуллаев. Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасидаги ҳамкорлиги	46
Б.Абдуллаев, А.Абдиева. Қадимги Бақтрияда урбанистик жараёнларнинг ўзига хос хусусиятлари. (археологик материаллар мисолида)	49
З.А.Илҳомов. Англия ва Россия: Помирдаги рақобат.	56
М.Хўжамов. Ўзбекистон музейлари – маданият, таълим–тарбия ўчоғи.	59
М.Х.Эсонов. Аҳмонийлар даврида зардуштийлик диний эътиқоди масаласида айрим мулоҳазалар	63
Д.Каримова. Жарқўтон Ўзбекистон ҳудудидаги энг қадимги шаҳар	65
Н.Эгамбердиева. Каптаминор маданияти ва унинг ўрганилиши	72
Е.Пустовая. Торговые отношения между узбекскими ханствами и Россией в середины XIX век.	78
С.Р.Тўраев. Таълим тизимидаги ислохотларнинг асослари (Ўрта махсус касб-хунара таълими мисолида)	84
А.Омонов, О.Эшонхонов. Тошкент беқлигининг Россия империяси билан дипломатик ва иқтисодий алоқалари	86
А.Мўминов. Аҳмад Дониш (1827-1897) маърифатпарвар тарихий шахс	88
Д.Муталибова. Площадь Хазрати Имам ва Ташкенте	90
З.Ибрагимова. Ақчахонқалъа Қадимги Хоразмнинг илк пойтахти	92
Ф.Турсунов. Базда ёки кўҳна фазлининг сирли ўтмиши	95
Н.Хамрақулова. Хива обидалари мозийдан сўзлайди	100
Д.Расулова. Миёнқол ҳудудининг географик тузилиши ва унинг маъмурий ҳудудий бошқаруви	104
С.Улашова. Соҳибқирон аждодлари ёхуд барлослар ҳақидаги айрим мулоҳазалар	107
Е.Саитова. Самарқандские документы XV-XVI вв. – важный источник по истории Узбекистана	112
Н.Тангиоров. Марказий Осиёдаги мафкуравий жараёнлар ва Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти	116
З.Узакова. Значение культурного наследия Хондамира в изучении истории народов Средней Азии	118
Р.Усмонов. Берунийнинг тақвимга оид ижодлари	121
Ф.Жуманиёзова. Ўзбек халқининг шаклланишида ўғуз компонентининг иштироки	123
Ф.Ҳайитова. Миллий урф-одат, маросим ва анъаналар халқ маданияти кўзгусидир	126
В.Хисамутдинова, А.Домнина. Национальный колорит кунгратцев	129
Д.Хожимрудова. «Бобурнома»да Ҳусайн Бойқаро талқини	134
Д.Худойбердиева. Низомулмулк ва унинг "Сийёсатнома" асари	137

### АКАДЕМИК КАРИМ ШОНИЁЗОВНИНГ ҲАЁТИ ВА ИЛМИЙ ФАОЛИЯТИ

Ҳозирда этнологик тадқиқотлар жамият ҳаётининг турли соҳаларида муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этиб бормоқда. Этнолог олимларнинг билими ва маслаҳатларидан сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал этишда кенг миқёсда фойдаланилмоқда.

Ҳар бир инсон ўзининг келиб чиқиши тарихини, ота-боболардан мерос бўлиб келаётган урф-одатларнинг бошқа халқларда бўлмаган ўзига хос қирраларини чуқурроқ билишга ҳаракат қилади. Аниқ хулоса, фактларга эга бўлиши учун эса халқ шаклланишининг асосий босқичлари, муҳим унсурлари, уларнинг этногенетик жараёнларда қатнашув даражаси, минтақанинг қадим аҳолиси билан ворисийлик генетик алоқалари каби хусусиятларни ўрганиш ўзбек халқининг шаклланиш жараёнини аниқлаштиради.

Ўзбек халқининг келиб чиқиши тарихи билан шуғулланган мана шундай забардаст ўзбек олимларидан бири академик Карим Шониёзовдир. Олим фаолияти давомида темирдек бардоши, қобилияти ва салоҳияти билан ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи билан мунтазам шуғулланди. Олимнинг таржимаи ҳолига назар ташласак, К.Шониёзов 1923 йил Қашқадарё вилояти Муборак туманидаги Қарлиқ қишлоғида таваллуд топиб, болалик йилларида аччиқ машаққатларни бошидан кечиради. У ўзининг хотираномасида болалик йилларини куйидагича таърифлайди. Отаси Шониёз ака ва онаси Умида опалар камбағал оилада туғилган бўлиб, жуда қийинчилик билан рўзгор тебратадилар. Йўқчилик, касаллик ўз таъсирини кўрсатиб ота-онаси эрта ҳаётдан кўз юмадилар. Шундан сўнгра, олим амакиси Раҳмон ака, кейинчалик бувиси Ҳамроҳон ая кўлида улғаяди. Лекин ҳаёт уларни ҳам кўп кўради. Натижада, етим қолган бола аммаси Ҳурсанд опа тарбиясига ўтади. Савод чиқаради. Болалик чоғидан ўқишга, ёзишга ва мутолаа қилишга қизиқади. 18 ёшга тўлганида Иккинчи жаҳон уруши бошланади ва у 1941 йил бошидан оқ кўнгилилар қаторида фронтга йўл олади.

Уруш тугагач, билим олишга интилиш Карим Шониёзовни Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти тарих факультетига ўқишга киришга етаклайди. Талабалик давридаёқ ўзининг билими, тафаккури ва салоҳияти билан ҳаммадан ажралиб туради. 1952 йилда ўқишни аъло даражада тамомлайди. Билимга чанқоқлик уни тўхтатиб қололмайди. Ўз ФА Тарих ва археология институтининг аспиранти бўлиб 1960 йилда номзодлик, 1975 йилда докторлик диссертациясини ёқлайди. Машаққатли меҳнатлари ва изланишлари натижасида 1990 йил "Этнография" мутахассислиги бўйича профессор унвони сазовор

бўлади<sup>1</sup>. Шу билан бирга у ёш авлодга таълим бериб, тарихимизни чуқур ўрганишга самарали ҳисса қўшган олимлар сарасига киради. Олимнинг илмий педагогик стажи 41 йилдан ошироқ эди. Олимнинг илмий фаолиятига назар ташласак, 1960 йилдан катта илмий ходим, 1967 йил этнография бўлимининг мудир, 1990-2001 йилларда "Этник жараён ва ўзбек халқининг шаклланиши"ни ўрганувчи илмий тадқиқод гуруҳининг раҳбарлиги лавозимларида фаолият олиб борган.

Дарҳақиқат, Карим Шониёзов республикамининг йирик тарихчи олимларидандир. У этнография фани бўйича ўзбеклардан етишиб чиққан биринчи фан доктори ҳисобланади. Кўп йиллик илмий фаолияти даврида 100 дан ортиқ илмий ишлар, 200 дан ортиқ мақолалар ҳамда 6 та монография, рисоалар нашр этган. Унинг "Ўзбек халқининг этник тарихига оид", "Ўзбек қарлуқлар", "Ўзбек халқининг моддий маданияти", "Қанғ давлати ва қанғарлар", "Қарлуқ давлати ва қарлуқлар", "Ўзбек халқининг шаклланиши жараёни" каби фундаментал монографиялари бой тарихий манбалар асосида ёзилган бўлиб, ўзи бошчилигидаги уюштирилган экспедицияларнинг материаллари асосида яратилганлиги билан ажралиб туради.

Ўтган асрнинг 70-80 йилларида мустабид совет тузумининг мафкуравий тазйиқи туфайли советлар даврида барча ижтимоий фанлар каби этнография фани ҳам коммунистик мафкурага буйсундирилди. Ушбу йўналишда бажарилган тадқиқотлар коммунистик мафкура призмасидан ўтказилди. Лекин шунга қарамасдан К.Шониёзов ўз тадқиқотлари билан анъанавий урф- одатлар, тарихий хужжатлар ва манбалар, халқнинг оғзаки ижодини тарихий далиллар ва турли-хил шажараларни қиёсий ўрганиш орқали, элатлар ва халқларнинг шу ўринда ўзбек халқининг келиб чиқиши ва унинг тарихини ёритишда қалам тебратди ва уни илмий-методологик масалалар билан бойитди.<sup>2</sup> Айниқса, олим ўзбек халқининг этник шаклланишини чуқур ўрганган олимлардандир. У ўзининг илмий ишларида ўзбек халқининг илк аجدодлари икки азим дарё Амударё ва Сирдарё оралиғида ҳамда Мовароуннахрга туташган минтақадаги қадимий туб ерли этнослар сўғдийлар, хоразмийлар, бақтрияликлар, сак-массагетлар бўлганлиги ва улар ўзбек халқининг асосий қатламлари эканлигини таъкидлайди.

Ўзбекистон тарихи фанида бирор муаммони ёритишда, бирор аниқ фикрга келишда тарихий ва этнографик, археология, антропология, нумизматика, тилшунослик ва бошқа ижтимоий фанларнинг ютуқларини қиёсий ўрганиш Карим Шониёзов асосланган илмий йўналишнинг яна бир хусусиятидир.

<sup>1</sup> ЎЗР МДА Р-2888, 1-рўйхат, 127-йиғма жилд, 17-варақлар

<sup>2</sup> ЎЗР МДА Р-2888, 1-рўйхат, 127-йиғма жилд, 18-варақлар.

Карим Шониёзов Ўзбекистон тарихи фани ютуқларини жаҳон миқёсида тарғиб-ташвиқ қилган забардаст олимларимиздан биридир. Олимнинг бир неча тадқиқотлари жаҳон миқёсида катта шухрат қозонган. Унинг бир қатор илмий мақолаларини Америка, Франция, Ҳиндистон каби хорижий мамлакатларда, Москва, Санкт-Петербург, Уфа каби ҳамдўстлик давлатларида чоп этилиши шундан далолат беради.

Карим Шониёзов бир неча мартаба хорижий мамлакатлардаги халқаро анжуманларда ўз маърузалари билан қатнашган. Масалан, Москва (1964) ва Деҳлида (1978) ўтган этнограф ва антропологларнинг Халқаро конгрессида, Собиқ Иттифоқ миқёсидаги Олма-Ота (1976), Тошкент (1980) Ашҳабод (1985) шаҳарларида туркология бўйича ўтгазилган халқаро конференцияларда маърузалари юқори баҳоланган<sup>1</sup>.

Карим Шониёзов ўзбек халқи тарихи, маданияти, ҳужалиги ва яшаш тарзини бутун борлиги билан кўрсата олган ва улкан нашрларнинг юзага келишига ҳамда яратилишига катта ҳисса қўшган олимдир. У Тарих институти томонидан тайёрланган "Ўзбекистон тарихи" нинг 3-4 жилдлари учун ёзилган ўзбек халқининг моддий ва маънавий ҳаётига оид бобларнинг муаллифи ҳамдир.

Карим Шониёзов ҳаёти давомида бир неча мартаба давлат мукофотлари билан тақдирланган. Аввало, олим Иккинчи жаҳон урушининг жанг майдонларида оғир яраланади. Иккинчи гуруҳ ногирони бўлишига қарамадан олим меҳнат фаолиятини бир сонияга тўхтатмайди. Урушда кўрсатган жасоратлари учун бир қанча орден ва медаллар билан тақдирланади.<sup>2</sup> Ўзбек халқининг этногенези, этник тарихи ва этнографияси мавзусида кўп йиллар давомида олиб борган илмий тадқиқот ишларини, юқори малакали тарихчи-этнограф кадрларни тайёрлашдаги жонкуярликларини инобатга олган ҳолда, тарих фанлари доктори, профессор К. Шониёзов 2000 йил "Ўзбекистон тарихи" мутахассислиги бўйича Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги этиб сайланади.

Академик олим нафақат фан жонкуяри, оиласида ҳам ижобий муҳит ярата олган эди. Турмуш ўртоғига садоқатли рафиқ ва фарзандларига меҳрибон ота эди. Олимнинг оиласини бемалол зиёлилар оиласи деса муболаға бўлмайди. К.Шониёзовнинг рафиқаси Сабоҳат опа Азимжонова шарқшунос олима бўлиб, 2000 йилда академик унвонига сазовор бўлган. Қизи Саодат Шониёзова ва ўғли Камол Шониёзов ҳам фан фидоийларидандир.

Олимнинг барча тадқиқотлари истиқболлиги ва келажакка қаратилганлиги билан ажралиб турарди. Олим ҳаёти давомида этногенез ва этник тарих ҳамда этнография соҳасида ўндан ортиқ ёш мутахассисларнинг номзодлик диссертацияларига раҳбарлик қилади. Гарчанд олим 2000 йилда оламдан ўтган бўлишига қарамай, унинг

<sup>1</sup> ЎРЗ МДА. Р-2888. 1-рўйхат 128-йигма жилд 7-варақлар.

<sup>2</sup> ЎРЗ МДА. Р-2888. 1-рўйхат 127-йигма жилд 20-варақлар.

шогирдлари этнология фанининг янада ривожланишига катта ҳисса қўшмоқдалар.

Карим Шониёзовнинг хотирасини ёд этиб, шогирдлари томонидан Ўзбекистон этнологиясининг долзарб муаммоларига бағишланиб бир қатор халқаро ва минтақавий анжуманлар ташкил этмоқдалар. Шу билан бирга этнология фанининг сўнгги натижаларига бағишланган «Академик К.Шониёзов ўқишлари» туркумида доимий илмий конференцияси ҳар икки йилда ўтказилиши яхши бир анъанага айланиб улгурди<sup>1</sup>.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, шундай инсонлар борки, гарчанд улар бу оламни тарк этсаларда, уларнинг қилган ишлари абадийликка дахлдордир. Академик К.Шониёзовнинг умри давомида қилган меҳнатлари биз ёш авлод учун ўрнак мактабидир.

*Қурбон Собиров  
Т.ф.н.доцент*

### **ҚАДИМГИ ХОРАЗМДА УРБАНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНИ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ**

Археологик тадқиқот натижаларининг тасдиқлашича, мил.авв. 1 минг йиллик бошларида Қадимги Хоразмда урбанизация жараёни куртаклари шаклланган. Воҳа аҳолисининг бронза ашёсини ихтиро қилиб, ундан ясалган хилма хил меҳнат қуролларини хўжалиқда фаол суратда қўлланилиши натижасида ишлаб чиқариш ҳажми ўсди, янги худудлар ўзлаштирилди ва кенг худудларни қамраб олган деҳқончилик воҳалари вужудга келди. Мил.авв. 1 минг йиллик бошларида Хоразм жамияти ижтимоий-иқтисодий ва этномаданий ривожланиш жараёни Амударё суғориш иншооти соҳили яқинидаги Яккапорсон-2 манзили маданий қатламдан олинган ашёлар ёрқин тасвирлайди. Манзил маданий қатламидан турли-туман идиш-товоқлар, бронза меҳнат қуроллари ўроқ, болға ва дон янчигич қолдиқлари топилган. Шу билан бирга, манзил яқинидан ҳажми кичик суғориш иншооти қолдиғи ўрганилган<sup>2</sup>. Демак, амирободликлар аста-секин ўтроқ ҳаёт кечира бошлаган. Мил.авв.VI аср ўрталаридан бошлаб, қадимги Хоразм жамиятида ижтимоий-иқтисодий ва этномаданий муносабатларнинг ривожланишининг сифат жиҳатидан ўзгариши содир бўлган. Қадимги Хоразмда урбанизация жараёнининг биринчи bosқичи жануби-ғарбий худудни қамраб олиб, унинг натижаси Кўзалиқир шаҳрида намоён бўлган<sup>3</sup>. Шаҳар қир, баландликка қурилган бўлиб, чегара ғарбий ва

<sup>1</sup> Отажонов Ш., Аширов А. Этнология. Тошкент, 2007. 22-бет

<sup>2</sup> Итина М.А. Поселение Яккапарсан-2 (Раскопки 1952-1959 гг) М.: Наука, 1963. –С. 107-129.

<sup>3</sup> Собиров Қ., Абдуллаев У. Хоразмда илк шаҳарсозлик ва давлатчилик // Ўзбекистонда урбанизация жараёнлари: тарих ва ҳозирги замон // Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. II-қисм. Тошкент. 2007. -103 бет